

Тасдиқлайман
Балиқчи тумани Мактабгча
таълим бўлими мудири



Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

Танлов “Балиқчи тумани Мактабгча таълим бўлимига” қарашли **1-3-7-11-13-14-16-19-21-22-25-26-29-30-31-32-33-34-35**-Давлат Мактабгача Таълим Ташкилотлар учун **2022-йил ва 2023 йиллар учун озиқ овқат захирасига Сотиб олиш учун** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси оркали конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади танлов иштирокчилари учун йўриқнома.

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тугрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва утказиш тугрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕД МЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Балиқчи тумани Мактабгача таълим бўлимига қарашли қарашли **1-3-7-11-13-14-16-19-21-22-25-26-29-30-31-32-33-34-35**-Давлат Мактабгача Таълим Ташкилотлар учун **2022-йил ва 2023 йиллар учун озиқ овқат захирасига** буйича малакали мутахассисларга эга булган ташкилотлар жалб килинади.

1.2. Танловнинг охириги киймати – **54 000 000** (Эллик тўрт миллион) сўм. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар қабул килинмайди ва куриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Балиқчи тумани Мактабгача таълим бўлимига қарашли **1-3-7-11-13-14-16-19-21-22-25-26-29-30-31-32-33-34-35**--Давлат Мактабгача Таълим Ташкилоти (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 170300, Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Балиқчи тумани,

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

1.1. Танловда мўлкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

1.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

-танлов предмета кийматининг камида 20 фоизи миқдориддаги айланма маблағларининг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг

мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;
- танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг

мавжудлиги;

- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари, тугрисидаги маълумотлар;
- танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хджди (50 фоиздан кам булмаган холда);
- Низом маблаг микдори.

1.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

1.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мугодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

1.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график кисми (чизмалари) билан танишиб чикиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши хдкида муурожаат килишга хаклидирлар.